

Proceedings of International Educators Conference

Hosted online from Rome, Italy.

Date: 25th May - 2024

ISSN: 2835-396X

Website: econferenceseries.com

ЕР ВА КАДАСТР НАЗОРАТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ БОРАСИДА ОЛИБ БОРИЛГАН ХАТЛОВЛАР ВА КЎРИЛГАН ЧОРА-ТАДБИРЛАР

Ташбаева Хулкаррой Холмурод қизи

“Ўздаверлойиха” ДИЛИ 1-босқич докторанти, к.х.ф.ф.д. (PhD)

Муродова Дилрабо Эрашевна

“ТИҚХММИ” МТУ, “Т ва Д” кафедраси ўқитувчиси

Аннотация

Ушбу мақолада бугунги кунда ер ва кадастр назоратини ташкил этиш борасида олиб борилган хатловлар ва кўрилган чора-тадбирлар хақида сўз юритилган.

Калит сўз: ер кадастри, ер участкаси, ер ҳисоби, хатлов, кўчмас мулк.

Ўзбекистон Республикаси “Ер кодекси”, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 7 сентябрдаги “Ер ҳисоби ва давлат кадастрларини юритиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6061-сонли Фармони, “Кадастр агентлиги фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4819-сонли қарори, 2021 йил 24 февралдаги ПҚ-5006-сонли “Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлардан фойдаланиш ва муҳофаза қилиш тизимини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” қарори, 2021 йил 8 июндаги “Ер муносабатларида тенглик ва шаффофликни таъминлаш, ерга бўлган ҳуқуқларни ишончли ҳимоя қилиш ва уларни бозор активига айлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6243-сонли Фармони, Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 12 февралдаги 66-сонли ҳамда 2022 йил 14 апрелдаги 183-сонли қарорлари, шунингдек, ер ва кадастр соҳасига оид бошқа қонунчилик ҳужжатлари асосан Кадастр агентлигининг асосий вазифа ва функциялари этиб қуйидагилар белгилаб берилган:

- ерлардан мақсадли фойдаланиш бўйича давлат назоратини амалга ошириш;
- ер участкаларига бўлган ҳуқуқлар давлат рўйхатидан ўтказилишини таъминлашга қаратилган ер назоратини амалга ошириш;
- ер участкалари ўзбошимчалик билан эгаллаб олинishiга йўл қўймасликка қаратилган самарали ер назоратни амалга ошириш;



Proceedings of International Educators Conference

Hosted online from Rome, Italy.

Date: 25th May - 2024

ISSN: 2835-396X

Website: econferenceseries.com

- ер участкаси чегараларини (чегара нуқталарини) ўзбошимчалик билан ўзгартиришга йўл қўймаслик чораларини кўриш;

- ер участкаларидан мақсадсиз фойдаланиш ҳолатлари аниқланганда Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг 36-моддасига мувофиқ ушбу ер участкаларига бўлган ҳуқуқни бекор қилиш, ўзбошимчалик билан эгалланган ер майдонида ноқонуний қурилган иморатларни бартараф этиш юзасидан тўғридан-тўғри судга мурожаат қилиш;

- кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқлар давлат рўйхатидан ўтказилишини таъминлашга қаратилган самарали кадастр назоратини ташкил этиш ва амалга ошириш;

- кадастр йиғмажилди (паспорти) белгиланган тартибда шакллантирилиши ва расмийлаштирилишини назорат қилиш;

- ер ва кадастр назоратини амалга ошириш борасидаги қонун ҳужжатларининг бузилишларини бартараф этишга қаратилган, юридик ва жисмоний шахслар томонидан бажарилиши мажбурий бўлган кўрсатмалар бериш;

- айбдор мансабдор шахсларни ва фуқароларни белгиланган тартибда маъмурий жавобгарликка тортиш, қонун ҳужжатлари бузилишида айбдор бўлган шахсларни жавобгарликка тортиш учун тегишли корхоналар, муассасалар, ташкилотларга тақдимномалар йўллаш ва материалларни ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига тақдим этишдан иборатдир.

Ер кодексига келтирилган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида Ер ва кадастр назоратини амалга оширувчи инспекторлар томонидан 2022 йил давомида қуйидаги назорат тадбирлари ўтказилди.

Жумладан, республика бўйича жами 18 597 та ҳолатда 6 307,3 гектар ер майдонлари ўзбошимчалик билан эгаллаб олинганлиги аниқланди.

Шундан, қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларда 6 290 та ҳолатда 5 485,5 гектар, аҳоли пунктлари ерларида 10 403 та ҳолатда 614,5 гектар, саноат, транспорт, алоқа муҳофаа ва бошқа ерларида 524 та ҳолатда 24,8 гектар, табиатни муҳофаза қилишга мўлжалланган ерларда 3 та ҳолатда 0,05 гектар, тарихий-маданий аҳамиятга молик ерларда 27 та ҳолатда 2,0 гектар, ўрмон фонди ерларида 152 та ҳолатда 46,6 гектар, сув фонди ерларида 196 та ҳолатда 20,2 гектар ва захира ерларда 1 002 та ҳолатда 113,6 гектарни ташкил этди.



Proceedings of International Educators Conference

Hosted online from Rome, Italy.

Date: 25th May - 2024

ISSN: 2835-396X

Website: econferenceseries.com

Аниқланган ер қонун бузилиш ҳолатларини бартараф этиш ва уларга нисбатан чоралар кўриш мақсадида:

Агентлик органлари томонидан берилган ёзма кўрсатмалар асосида 9 927 та ҳолатда 4 957,8 гектар майдондаги қонунбузилишларни ихтиёрий бартараф этилиши таъминланди.

Ўзбошимчалик билан эгалланган майдонларни қайтариш, ноқонуний қурилмаларни буздириш ҳақида судларга 8 138 та ёки 1 185,3 гектар даъво аризалари киритилди.

Ерга оид қонун бузилиши ҳолатларида жиноят аломатлари кузатилган 1 645 та (705,3 гектар) иш ҳужжатлари ўрнатилган тартибда прокуратура органларига юборилди.

Республика бўйича ер участкаларидан мақсадсиз фойдаланиш билан боғлиқ 2 135 та (15 130,4 гектар) ҳолат аниқланди.

Мақсадсиз фойдаланилган ер участкаларига бўлган ҳуқуқни бекор қилиш юзасидан ҳокимликларга 1 919 та (14 099,7 гектар) ҳолатда тақдимномалар киритилди.

ПФ-6243-сон Фармонга (08.06.2021 йил) асосан 216 та (1 030,7 гектар) ҳолатда ер участкаларига бўлган ҳуқуқни бекор қилиш юзасидан тўғридан-тўғри судларга мурожаат қилинди. Агентлик ва унинг ҳудудий тизимлари томонидан амалга оширилган ер ва кадастр назорати натижасида ўтказилган



Proceedings of International Educators Conference

Hosted online from Rome, Italy.

Date: 25th May - 2024


ISSN: 2835-396X

Website: econferenceseries.com

хатлов натижаси бўйича аниқланган ер қонун бузилиш ҳолатлари таҳлили 1 ва 2 - расмларда ўз аксини топган.

1 -расм. Ўтказилган хатловлар натижасида аниқланган ер қонун бузилиш ҳолатларининг вилоятлар бўйича таҳлили (%).

2-расм. Аниқланган ер қонун бузилиш ҳолатларини бартараф этиши ва тегишли чоралар кўриши юзасидан олиб борилган чора-тадбирлар.



Агентлик ва унинг қуйи тизимлари томонидан ер ва кадастр назорати йўналишида 2021 йил давомида жами 700 мартаба оммавий ахборот воситалари, ижтимоий тармоқлар ва матбуотлар орқали чиқишлар қилинди. Шундан, телевидения ва радиолар орқали 509 мартаба, газета ва журналлар орқали 191 мартаба чиқишлар қилиниб, жойларда 1 515 мартаба кўргазмали семинарлар ташкил этилиб, 4 479 мартаба ижтимоий тармоқлар орқали чиқишлар қилинди.

Хулоса қилиб шуни айтиш лозимки, бугуни кунда республикамизда ер кадастри соҳасида олиб борилаётган барча тадбирлардан кўзланган асосий мақсад республика иқтисодиётини ривожлантиришдан иборат.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 7 сентябрдаги ПФ-6061-сон “Ер ҳисоби ва давлат кадастларини юритиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги Фармони.

Proceedings of International Educators Conference

Hosted online from Rome, Italy.

Date: 25th May - 2024

ISSN: 2835-396X

Website: econferenceseries.com

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022-йил 7-июндаги «Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030-йилларга мўлжалланган стратегиясида белгиланган вазифалар ижросини самарали ташкил этишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-273-сон қарори.
3. Ўзбекистон Республикаси ер ресурсларининг ҳолати тўғрисида Миллий ҳисобот. – Тошкент: Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Кадаст агентлиги Давлат кадастрлар палатаси, 2022.
4. Turayev R.A., Tashbayeva.Kh.K., Sharopov.R.N., Gaibberdiyev.S.B. Issues of the Organization of the Proper use of Agricultural Lands // Turkish Online Journal of Qualitative Inquiry (TOJQI), Volume 12, Issue 3, July 2021:P. 2511-2522.



E- Conference Series

Open Access | Peer Reviewed | Conference Proceedings



E- CONFERENCE
SERIES